O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 8-yanvar • № 2 (4037)

## МУҚАДДАС БУРЧ

**14 январ — Ватан ҳимоячилари куни**

***Мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган Ватан ҳимоячилари куни яқинлашиб келмоқда. Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Захириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк саркардаларимизнинг шон-шавкати, жасорат ва мардликлари озод Ўзбекистоннинг бугунги Ватан ҳимоячилари учун ҳам бебаҳо меросдир.***

Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан шаклланган миллий армия ёшларимиз учун жисмоний ва маънавий чиниқиш, шахс сифатида камол топиш, замонавий ҳарбий ва техник мутахассисликларни эгаллаш, ҳаётда бўладиган турли мураккабликларни матонат билан енгиш борасида ўзига хос мактабга айланди. Шу маънода, бугун мамлакатимиз Куролли кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг орзусидир.

Ҳарбий хизматчиларимиз ўзларининг она-Ватан, халқ олдидаги муқаддас бурчини теран англайдилар. Президентимиз такидлаганидек: "Бугун барчамиз қандай мураккаб замонда яшаётганимизни яхши тушунамиз. Халқаро террорчилик, экстремизм, кўлами тобора кенгайиб бораётган наркоагрессия каби бало-қазолар мамлакатимизнинг ҳозирги куни ва келажаги учун жиддий таҳдидга айланмоқда... Бундай вазиятда барчамиз доимо ҳушёр ва сергак бўлиш, янги куч ва имкониятларимизни сафарбар этган ҳолда, Қуролли кучларимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини янада чуқурроқ англаймиз".

Ҳарбий хизмат ҳақида гап кетганда собиқ шўролар тузуми даврида йигитлик бурчини ўтаган оталардан, акалардан сўраб билганимиз шуки, у даврларда Ватан тушунчаси ниҳоятда мавҳум ва ноаниқ эди. Улар нотаниш маконда, оғир иқлимли минтақаларда узоқ муддатта ҳарбий бурчни ўташга мажбур бўлишган. Истиқлол туфайли туғилиб ўсган она-Ватанимиз ҳудудида сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифа бугунги авлодлар зиммасига тушди. Шундай масъулиятли бурч билан хизмат қилаётган ватандошларимизга ҳавас қилсак арзийди.

Байрам муносабати билан нафақат ҳарбий қисмларда, балки олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида, мактабларда, ҳатто болалар боғчаларида қизиқарли учрашувлар, кечалар ташкил этилиб, Ватан туйғуси, Ватан ҳимояси, йигитлик бурчи ҳақида ёшлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Ватанни ҳар кўнгилда, ҳар оилада, ҳар маҳаллада, сўз ва амалларимизда, урф-одатларимизда, орзу-ниятларимизда ҳимоя қилмоғимиз даркор. Ватанни асраб-авайлаш Ватан манфаатларини эъзозлашдан бошланади. Шу маънода оддий ишчи ёки талаба, муҳандис ёки шифокор ҳам, ҳеч муболағасиз, Ватан ҳимоячисидир. Негаки, Ватаннинг ҳар қарич ерини, ҳар томчи сувини, ҳар ноёб гиёҳини, осори-атиқаларини, тили ва тарихини асрамоқ даркор. Зеро, Ватан ҳимоячилари куни — мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётганининг боиси ҳам шунда. Сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакатимиз ва бутун минтақада тинчлик-тотувликни таъминлай оладиган, ёвуз кучларнинг ғаразли ният ва хуружларини бартараф этишга қодир армия мавжуд экан, ҳаётимиз ҳамиша осуда, осмонимиз мусаффо бўлади.

**Азиз МАТЁҚУБОВ,**
**капитан**







А.АБДУЛЛАЕВ ва А.ЕҚУБОВ (ЎзА) олган суратлар.

***Ҳар сафар театрларимизда янги мавсум бошланиши арафасида ўтган мавсумда амалга оширилган ишларни, саҳна юзини кўрган асарлару ўтказилган анжуманларни сарҳисоб қилар эканмиз, кундалик ҳаётимизда биз илғаб улгурган ва улгурмаган ўзгаришларнинг театр саҳнасига қандай кўчганлиги тўғрисида ўйлаб қоламиз. Тан олиш керак, истиқлол даврида юртимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаёт шу қадар тез, шиддат билан илгарилаб бормоқдаки, уни кузатиш, қаламга олиш ва саҳнага олиб чиқиш ижод аҳлидан маҳорат ва фидойилик билан бирга, профессионал тайёргарликни ҳам талаб қилади.***

## НАВҚИРОН АВЛОД НАМОЙИШ ЭТАДИ

Бу эса изланиш, ҳаётни кузатиш, мамлакатимизда ва умумжаҳон миқёсида рўй бераётган воқеа ва ўзгаришлар замирида мамлакатимизнинг ўзига хос ўрни ва мавқеини тўғри англаб етиш, уни бутун вужудимиз билан ҳис қилишимизга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, бугунги кунда театр жамоаларида кўзга ташланган энг муҳим хусусият, бу — ижодкорларимизнинг ўзликни англаб, мамлакатимизда рўй бераётган ижобий ўзгариш ва юз бераётган жараёнлар моҳиятини илғаб олаётганларида намоён бўлаётир. Театрларимизга томошабинларнинг аста-секин қайта бошлагани ҳам шундан далолат беради.

Театрларимизда авлодлар алмашинуви кечмоқда. Куни кеча томошабинларни ўзларининг ҳайратомуз санъатлари билан лол қолдирган устоз санъаткорларимиз устоз-шогирд анъаналари асосида эстафетани ёш ижодкорларга беришмоқда. Театрларимизда навқирон режиссёрлар ижод қилишмоқда. Уларнинг атрофида актёр-актрисалар, рассомлар, ҳатто драматургия соҳасида қалам тебратувчилар ҳам кўзга ташланмоқда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда янги авлод театри қад ростламоқда. Мустақил юрт ҳавосидан нафас олган, бутун вужуди билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар руҳида қадам ташлаб бораётган, дунёга жўшқинлик ва шижоат билан тикилиб турган навқирон авлод театри албатта ўз томошабинига эга бўлишига маънавий ҳаётимиз кўзгусига айланишига ишонамиз. Зеро, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё. Театрларимизнинг моддий-техник базаси кундан-кунга мустаҳкамланиб бораётганлиги, бинолар таъмирланиб, янгилари қурилаётгани, бир неча олий ўқув муассасаларида ёш малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилгани, энг муҳими, театр санъати соҳасига давлат миқёсида жиддий эътибор берилаётганлиги ана шу янгиланишга пухта замин бўлиб хизмат қилаётир.

Ўтган 2009 йилда ҳам театр санъати соҳасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Саҳналаримизда 150 га яқин янги спектакл намойиш этилди. Айниқса, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан барча театрларимиз иш режаларини кўпроқ қишлоқ меҳнаткашларига хизмат қилишга қаратдилир. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган кенг қамровли дастурга мувофиқ Тошкент шаҳридаги барча театр жамоалари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ўтказилган уч босқичдан иборат "Театр кунлари"да қатнашдилар. Пойтахт театрларининг энг сара спектакллари нафақат вилоят марказларида, балки мамлакатимизнинг энг чекка туман ва қишлоқларида ҳам намойиш этилди. Ўз навбатида, изланувчанлиги билан халқимизга манзур бўлаётган кўпгина вилоят театрлари жамоалари пойтахтимизда ижодий сафарда бўлдилар. Айни чоқда устоз санъаткорлар ҳамда ёш истеъдодлар билан аҳолининг турли қатламлари орасида кўплаб маънавий-маърифий учрашувлар ўтказилди. Бу учрашувлар театр ижодкорлари учун ҳам катта имконият ва мактаб вазифасини ўтади.

**Давоми бешинчи саҳифада.**

## ДЎСТЛИК КОНЦЕРТИ

Ўтган йилнинг сўнгги ойида Тошкент, Хива, Бухорода АҚШдан келган санъаткорлар — Ари Роланд бошчилигидаги Крис Байерс, Заид Нассер (саксофончилар) ва Киту Баллдан (барабанчи) иборат квартет берган концертлар мухлисларда катта таассурот қолдирди.

— Жамоамиз номидан айтишим мумкинки, Ўзбекистон бизни мафтун этди, — деди биз билан суҳбатда Ари Роланд. — Ҳамза номидаги мусиқа коллежида, В.Успенский номидаги лицейда ўқиётган ёш истеъдодлар билан учрашдик. Биз тарихий шаҳарлардаги, гўзал «Туркистон» саройидаги концертларимиз давомида ўзбек томошабинлари билан дўстлашиб кетдик. «Туркистон»даги концертда мухлислар «Алла»ни бизга қўшилиб куйладилар. Ҳеч қачон 900 кишилик хор биз билан бирга куйламаган эди, яна инглиз тилида. Бу жуда ажойиб бўлди. Томошабинларингизга балли!

Биз билан бирга саҳнада бўлган педагог-мусиқашунослар — Илёс Лутфуллаев, Маъмур Олимжонов ва Равшан Асадуллаевлар ижросини кўриб, талабаларга ҳавасимиз келди.

Ўзбекларнинг доира, дутор, ғижжак каби чолғуларини биринчи марта кўрдик ва бу созлар бизнинг мусиқамизни юксак профессионал даражада садолантирганидан ҳайратга тушдик. Ўз навбатида биз ҳам ўз чолғуларимиз билан уларнинг ижроларини қўллаб-қувватлаб турдик.

Томошабинлар бизни "Ажойиб еттилик", концертимизни эса «Икки мамлакат мусиқаси дўстлиги» деб номлаганларидан хурсанд бўлдик. Жуда кўп ёдда қоларли учрашувлар ўтказдик. Таассуротлар ҳақида юртдошларимизга, ҳамкасб ва дўстларимизга ҳали кўп сўзлаб берамиз. Ўзбекистон деган сеҳрли диёрдаги гастролларимиз туфайли гўзал мусиқа ошиғи, ҳаракатчан, меҳнатсевар халқ билан танищдик. Бу ерда мусиқа ва санъат таълимига алоҳида эътибор берилиши бизни мамнун этди. Ана шундай мамлакатда баркамол инсонлар вояга етишига астойдил ишонамиз.



Муаллиф олган сурат

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

## БИЗ КУТАЁТГАН АСАРЛАР

*Муносабат*

2009 йил ҳаётимизнинг барча жабҳаларида чуқур ва ёрқин из қолдирди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» асари маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Ушбу асарда Юртбошимиз ёзувчи ва шоирларимизнинг кўнгил кечинмалари, қувончу ташвишларини нақадар теран англаши яққол кўзга ташланади. Асарнинг ҳар бир сатридан хайрихоҳлик, ижодкор билан ҳамдард-ҳамнафаслик туйғусини ҳис этасиз. Бу, юртимиз қалам аҳли ҳамиша ҳукуматимиз ғамхўрлиги, меҳр-муҳаббати, эътиборида эканлигидан далолатдир. Албатта, бундай эъзозу эътибор ижодкорлар зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди, ўзларига, асарларига нисбатан янада талабчан ва қатъий бўлишга даъват этади.

Мен бир талабаман. Адабиётга, санъатга ўзимни бир қадар дахлдор деб биламан. Бугунги ҳаётимизни, воқеликни кузатар эканман, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш, уларни адабиёт ва санъат орқали элимизга, айниқса, ёшларимизга кўрсатиш нақадар долзарб эканлигини чуқур ҳис этаман. Зеро, ҳар даврнинг, ҳар замоннинг ўз идеаллари, ўз юлдузлари бўлади. Одамлар, айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлод уларга ўхшашга, улардан ўрнак олиб яшашга интилади. Энг муҳими, бундай қаҳрамонларни тўқиб-бичишга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Чунки улар юртимизнинг ҳар бир гўшасида, иқтисодий, маданий ҳаётнинг ҳар бир соҳасида учрайди. Ахир, баланд тоғу тошлардан темир йўл ўтказаётган ёхуд олис-овлоқ адирлар, саҳролар бағрида завод-фабрикалар, кўркам шаҳарлар бунёд этаётган кишилар ким? Давримизнинг, замонамизнинг қаҳрамонлари шулар эмасми? Истардимки, шоиру ёзувчиларимиз кўпроқ юрт кезишса, шаҳару қишлоқларга ташриф буюришиб, фидокор инсонларни излаб топиб, улар ҳақида чинакам бадиий асарлар ёзишса.

Шу ўринда яна бир далилни қайд этиб ўтишни истардим. Пеле, Муҳаммад Али, Марадона каби жаҳонга машҳур спортчилар ҳақида кўп эшитганмиз. Улар ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Шу асарлар асосида қизиқарли ва таъсирчан кинофилмлар яратилган. Афсуски, биз ҳозирча бундай ютуқларимиз билан мақтана олмаймиз. Ҳолбуки, энг нуфузли мусобақаларда муносиб қатнашиб, юрт байроғини дунё узра баланд кўтарган спортчиларимиз жуда кўп. Улар ҳақида ҳозирча салмоқли бадиий асар ёзилгани ёхуд мароқли кинофилм ишланганини кўрмадик. Менимча, Миржалол Қосимов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Абдулла Тангриев каби спортчиларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳар қандай бадиий асарга асос бўла олади. Фақатгина ижодкорларимиз илҳом билан киришсалар бас. Ўйлайманки, 2010 йил худди шундай навқирон авлодлар интиқиб кутаётган асарларга бой бўлади.

**Марям БЎРИХОНЗОДА,**
**Абдулла Қодирий номидаги**
**Тошкент Маданият**
**институти талабаси**

## У менинг замондошим

*2010 йил – Баркамол авлод йили*

Яқинда ўқитувчимиз раҳбарлигида соҳибқирон Амир Темур бобомиз туғилиб ўсган Шаҳрисабзга саёҳат қилдик. Шаҳри Кеш гўзал шаҳар. Бу ерда тарих ва замонавийлик ажиб бир тарзда уйғунлашган. Кўчалар гавжум. Туну кун ҳаёт қайнайди.

Биз муаззам Оқсаройни томоша қилиб, ўқитувчимиз ҳикоясини тинглаб турганимизда икки сайёҳ диққатимизни тортди. Афт-ангорларига қараганда японларга ўхшайди. Ҳойнаҳой, ўз гуруҳларидан адашиб қолишган шекилли, теваракка безовталаниб кўз югуртиришарди. Улар сал наридаги ҳар хил миллий либос, тақинчоқлар сотиладиган раста томон юрдилар. Сотувчилардан бирига нимадир дейишди. Шунда раста ортидан ораста кийинган, бўйчангина қиз чиқиб уларга юзланди. Меҳмонлардан бири қийнала-қийнала рус тилида сўзлади. Сотувчи қиз эса уларга инглиз тилида жавоб қайтарди. Сайёҳлар буни кутмаган бўлишса керак, аввалига ўзаро таажжубли кўз югуртириб олишиб, астойдил суҳбатга чоғланишди.

Тўғри, қиз инглиз тилида жуда бийрон сўзларди, дейиш қийин. Лекин у фикрини аниқ-тиниқ ифодалашга астойдил интиларди. Айниқса, унинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари бизни мафтун этди. Қизнинг чеҳрасида самимият ва ишонч балқиб турарди.

Улар ўзаро суҳбатлашган куйи соҳибқирон Амир Темур ёдгорлиги томон юрдилар. Қиз имо-ишора билан нималарнидир тушунтирди, сайёҳлар эса улуғвор ёдгорликни суратга олишди. Сўнг қизғин суҳбатлашганча катта кўча томон кетишди.

Ушбу манзара менда чуқур таассурот қолдириб, кўнглимда қувонч ва ифтихор ҳисларини уйғотди. Сайёҳларга ҳамроҳлик қилган ўша қиз, назаримда, менга таниш, жуда танишдай эди... Оддий сотувчи қиз! Нари борса биздан икки-уч ёш катта. Ҳали бирор олий ўқув юрти остонасидан ҳатлаб улгурмаган бўлса ҳам ажабмас. Лекин билимдон ва тарбияли экани шундоқ сезилиб турибди. Муҳтарам Президентимиз: «Фарзандларимиз биздан кўра ақлли, билимдон, кучли ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт», деганлар. Мен ушбу самимий истаклар шаҳрисабзлик оддийгина ўзбек қизи тимсолида ўз тасдиғини топаётганини яна бир карра кўргандай бўлдим. Бир пайтлар кишиларимиз хорижликлар билан чет тилида сўзлашиш нари турсин, ҳатто у ер-бу ерда учрашиб қолгудек бўлишса ҳам довдираб қолишди. Бугун эса... буткул бошқача манзара гувоҳи бўлиб турибмиз. Албатта, бунинг барчаси ҳукуматимиз томонидан ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган изчил сиёсатнинг натижасидир.

Муҳтарам Юртбошимиз ҳар бир йиғин, ҳар бир машваратда ёшлар камолоти йўлида алоҳида куюнчаклик билан гапирмоқдалар. 2008 йилнинг «Ёшлар йили», кириб келган янги 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили», дея номланиши ҳам бежиз эмас. Бундай эъзоз ва эътибордан мақсад эса битта: не машаққатлар билан қўлга киритилган, не-не фидойиликлар эвазига барпо этилган мустақиллик қўрғонининг муносиб ворисларини камолга етказишдир. Президентимиз, халқимиз орзу қилган авлод худди шундай муносиб давомчилар бўлиши шубҳасиз.

Баркамол авлод — кўнглида, қалб-қўрида ишонч ва ифтихор туйғулар мавжланиб турган авлоддир. У нафақат ҳақ-ҳуқуқини, балки фуқаролик бурчини ҳам чуқур англайди. Худди шу англаш, ҳис қилиш қайси илм даргоҳида таълим олмасин, қай бир соҳада меҳнат қилмасин, улуғ юртнинг улуғ анъаналарига муносиб бўлишга ундайди. Менимча, Шаҳрисабзда сайёҳларга ҳамроҳлик қилган ўша оддий ўзбек қизининг руҳиятида ҳам худди шундай муносиблик ҳис-туйғулари барқ уриб турарди. Бу унинг самимият ва назокат балққан чеҳрасидан ҳам аён эди. Шу боис, гарчанд бу қизни аввал ҳеч қачон учратмаган бўлсам-да, у менга таниш, жуда таниш туюлди. Унга замондош эканимдан фахрландим.

**Шоҳида ЭШМАМАТОВА,**
**Қарши шаҳридаги**
**1-ихтисослашган**
**мактаб ўқувчиси**

## "Cinema" журналининг янги нашри

Бироз танаффусдан сўнг янги йил арафасида янгича қиёфада нашр этилган "Cinema" журналининг 9-10 сонлари муштарийлар учун ҳақиқий совға бўлди, десак муболаға бўлмайди.



Кино санъатига доир ягона нашр бўлган мазкур журналнинг янги сони аввалгиларидан нафақат дизайни, балки ички мундарижасининг бойлиги билан ҳам фарқ қилади. "Cine**masuma**", "Cine**maqtov**", "Cine**mashhur**", "Cine**maydon**", "Cine**mangu**", "Cine**maestro**" ва бошқа рукнларда ўзбекнинг зуҳроси Юлдуз Ризаева, барча замонларнинг гўзаллик қироличаси деб эътироф этилган Одри Хепберн, ноёб истеъдод эгаси Римма Аҳмедова ва жаҳон фестиваллларига йўл олган "Ойдиной", "Чавандоз" ва "Жаноб ҳеч ким" филмлари ҳақида, шунингдек фолклоршунос олим Шомирза Турдимов билан бўлган мазмунли суҳбатни ўқийсиз.

Бундан ташқари, журнал саҳифаларидан бугунги ўзбек кино саноати билан боғлиқ мақолалар ҳам жой олган. Журналнинг чиройли чиқишида Маҳлиё Мирсоатова бошчилигидаги ижодий гуруҳ — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Ханжара Абулқосимова, киношунос Шоҳида Эшонбобоева, Забаржад Бобожонова, Раъно Муллахўжаева, Шоҳсанам Хидирова, Иқбол Қўшшаева ва Фарҳод Умаров каби муаллифлар ўз ҳиссаларини қўшишган.

Журналнинг охирги саҳифаларида мақолаларнинг инглиз ва рус тилларидаги қисқача мазмуни ҳам берилган.

## Маданий ҳаёт

Швецариянинг Цюрих шаҳрида «Пре-Арт» квартети ижросида ўтган танловда Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси ва бастакор Фаррух Акрамов ғолиб бўлди.

Бу танлов қатор мамлакатларнинг бастакорлари иштирокида анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Унда флейта, саксафон, гобой ва виолончел каби мусиқа асбобларида мусиқий асарлар ижро этилади. Танловда Албания, Арманистон, Молдавия, Босния-Герцеговина, Хорватия, Черногория, Руминия, Сербия, Туркия, Ўзбекистон каби 20 яқин давлат вакиллари иштирок этди.

Танловда «Иллюзия» номли мусиқий асар билан иштирок этдим, — дейди Ф.Акрамов. — Изланишларим бесамар кетмади, ҳакамлар ижромни юқори баҳолашди. Асосийси, бу танловда кўп нарса ўргандим, бошқа давлатларнинг мусиқий йўналишлари билан яқиндан танишдим.

Танлов ғолибларини тақдирлаш маросими шу йилнинг апрел ойида Грузиянинг Тбилиси шаҳрида бўлади.

**«Туркистон-пресс»**

Ўроз ҲАЙДАР

# БАҒРИНГДА УЙҒОНГУМ, ВАТАН!

## СОНЕТЛАР

*"Эркалатар ва чарчатар сени овозим"*
А.ПУШКИН

I

Мана, ишқ мактубим ёқмоқдасан жим,
Куйдирилган сўзлар жаранги тинар.
Қарғайсан, гўримга қадаб етмиш чим,
Ҳаёт шамим абад наздингда сўнар.

Марҳумга ҳам бунча тутмассан аза,
Хотирига асло ёқиб шамчироқ.
Мендан кўра ҳозир, арзимас нарса
Минг карра азиздир, қалбга овунчоқ.

Оч бўридай атроф ташланар менга,
Тоғлар эса қочар аразлагандек.
Ожизни ҳаттоки, шарпа ҳам енгар,
Бўронлар олови ёндиролмас, лек.

Мамонтдай уйғониб уч минг йилдан сўнг,
Севги тиландимми, музликдан бу кун.

II

Мен сени севардим — бор-йўқ айбим шу,
Кин-гина йўқ эди, севгимда зарра.
Ўйлардим оғзимга у қуяди сув,
Видолашув чоғи — энг сўнгги марта.

Бари тамом! Бари гўё бир рўё,
Шар ҳавога учди, ёрилди тамом.
Яланғоч ойга ҳам боқмам маҳлиё,
Юлдузларга дегум совуққон: — Салом!

Суйиб эркалаган чоғинг у, албат,
Сенга гўдак каби боқиши аён.
Ҳатто тошларда ҳам уйғотар ҳайрат,
Меҳрдан покланган нигоҳлар шу он.

Ҳамманинг қўлида мен бўлдим эрмак,
Бўм-бўш чизиқларда титрайди юрак.

III

Сен лаззат топганда ишқсиз ҳаётдан,
Мени масхаралар эринчоқ ел ҳам.
Эгардан тушмайин тушиб-да отдан,
Илашган ҳар нега ёпишгум маҳкам.

Дунё шум кампирдир, найрангида биз
Қўзичоқдан қўрққан шердек нотавон.
Бол таъмин туёлмам болдан севгисиз,
Тиниқ чашма суви лойқа, шўр аён.

Сендаги қўрқуву мендаги журъат,
Олис юлдуз каби тортаркан хира.
Қутурган дарёда йўқолур қудрат,
Офтоб ўз ҳуснига бўлур асира.

Ишқ мактуби ила куяркан сўзим,
Офтоб зулмат, дея чинқирар кўзим.

IV

Ой, юзинг бекитма, ёпиндинг нечун,
Оппоқ сукунатдан оппоқ паранжи.
Ўзинг олиб қочгунг ҳар недан бу тун,
Менми, ё ўзингдан ўкингунг ранжиб.

Ой юзингга ойна бўлойин ўзим,
Тилла сочган тилинг билан тиллашай.
Бодроқдай чарсиллаб очилсин Сўзим,
Юлдуз ёққан товшинг билан беллашай.

Ўз шуъланг ўзингга етти ёт каби,
Сен эса зулматдан тилайсан ёғду.
Тонгга бекинасан нега уялиб,
Кундуз тополмасин дейсанми ёхуд.

Овозига неки бекиндими, бас,
Тимсоҳда ишқ сари уйғотур ҳавас.

V

Мени ҳеч ким кутмас. Ҳаво мунча дим,
Юлдузлар нуқсидан ер супрадай оқ.
Йўталгандай бўлар боғда аллаким,
Ўзича қўшиқ ҳам куйлайди қувноқ.



Мени ҳеч ким кутмас. Ой боқмас хушҳол,
Кутишдан зериккан сулувдай ўйчан.
Девор оша сокин бўйлар кўчага
Ошиқ ўспириндай тераклар бўйчан.

Мени ҳеч ким кутмас. Кутаман кимни,
О, менинг юрмагим ҳаммага малол.
Бўрондай қутуриб, узлуксиз эсиб
Ҳамманинг жонига теккандай шамол.

Мени ҳеч ким кутмас, тўрт бўлиб кўзи,
Кутмаганим каби ҳеч кимни ўзим.

## ШУКУР ХОЛМИРЗАЕВ

I

Ишонч ижросидан қарздор ўзим,*
Ишонганга ишонч, мумкинга мумкин.
Гарчи қақнус эрур ҳар айтган сўзим,
Бир баргча яшадим одамзод умрин.

Ҳақиқат — унвоним, ранжим фитратдир.
Насибамни уздим мақтов, олқишдан.
Бойсундан ёдгорлик қурбу қудратдир,
Ахир, омон чиқди гулларим қишдан.

Адибдан сўрашар Ҳақнинг қарзини,
Калом — ришва бўлса, маддоҳлик нечун.
Ким тинглар Фалакнинг доду арзини.

Ўзимдан ортмадим, қарайди нигун
Қонга ботган қуёш — кўкнинг фарзини,
Ҳаёт — ечиб бўлмас топилдиқ тугун.

II

Қора камар ичра ёқдим гоҳ гулхан.
Оғир тош кўчганда-ку кипригимдан
Сўнгсиз тубсизликка учдим ер билан.

Теграмда уммонлар, тоғлар йиқилур,
Капалак сингари бешарпа, бежон.
Яримшол қуёшни хомталаш қилур,
Митти чумолилар тортқилаб ҳар ён.

Билмайман, қаёнда сўнгги бекатим,
Ўзга бекатига боқмагандирман —
Мен сенинг eringдан очиб эгатим.

Жаннат қопқасини қоқмагандирман.
Оёқлар остига Сўзим отмадим,
Нафрат ёрлиғини тақмагандирман.

III

Бунча бевафодир бу қайсар дунё,
Турвасидан сизиб томгани ёшдир.
Булут ичра ойдай боқар безиё,
Сабримнинг юлдузи мангу талошдир.

Сўз — Аллоҳ шамшири, нурдек учгувчи,
Қуёш ярасидан туғилган қўшиқ.
Кўчганда осмондай беун кўчгувчи,
Фалак маҳражида мангу уйғоқ Ишқ.

Тушундим — қисматим туғилмаган Сўз,
Мангулик тожидай чорлар бекарам.
Бахт — бу тупроқдан узилган илдиз.

Кимнинг изтироби кўзимдаги нам,
Минг йиллик сополдай жаранглар сассиз.
Барибир, бағрингда уйғонгум, Ватан!

* *Адиб мактубидан.*

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА

# БИР ЙИЛ — ҚАДАМ

Кўзгуга боққину ўзни қил сўроқ,
Савобу гуноҳни сол тарозига.
Қай бири енгилу, қайси оғирроқ,
Муяссар бўлдингми виждон розига.

Атрофингда кимлар айланишди хўп,
Ким чапга, ким ўнга тортди қўлингдан,
Аросат белида иккиланмай кўп,
Адашмай бордингми қутлуғ йўлингдан.

Оиланг, ота-онанг, фарзандларингни
Меҳринг ардоғида яйратолдингми,
Элу юрт олдида қарз — фарзларингни
Ватаннинг корига яратолдингми?

Бир ками бандамиз, Яратган беайб,
Тазарру қилдингми туриб ҳар саҳар.
Бугундан ўйла сен кекса чоғинг пайт
Олгучи бўлармi ҳолингдан хабар.

Унутма, бу ҳаёт омонат-ку, де,
Югургин, армонга етиб ол тезроқ,
Умрнинг бир йили бир қадамга тенг,
Ўйлаб ҳам, ўлчаб ҳам қадам бос, ўртоқ!



Седана юлдузлар, ой-чи кулчани
Эслатиб оқ парда ортида сузар.

Бир парча булутни қилиб дастурхон,
Оймўма кулчани узатсам кунга.
Зуҳра ҳам шу қадар яқинки бу он,
Қўлимни узатсам етгудек унга.

Самода сайёра сонсиз, басаноқ...
Ерда ҳам кам эмас «жонли юлдузлар».
Келажак йўлига бўлмоққа чироқ,
Ердаги юлдузлар «ёнар» кундузлар.

Тақдирим ҳақида сўйланг, юлдузлар,
Бўйнимга тақингиз ўзингиз маржон.
Мен ҳам порлаб турай бамисли сизлар,
Беғубор бағримни этиб кенг осмон.

### БЕКА

Эшикдан киркаркан, Ота ҳар доим
Биринчи саволи: «Уйдами онанг?».
Болалар сўроқлар: «Бормилар ойим?»,
Демак она билан обод бу хона...

Она уйда бўлса ўзгача байрам,
Қозонда қайнайди мазали таом,
Она уйда бўлса саришталик ҳам,
Бор сирдош, дарддош бор, яна интизом.

Ишхона, ошхона... чарчадим демас,
Фарзандлар меҳридан олади қувват.
Оила Онадан хурсанд бўлса, бас,
Онага керакмас бундан ортиқ бахт.

Омад ҳам, давлат ҳам, бебаҳо қадр —
Осуда ҳаётнинг ширин меваси.
Оллоҳдан келадир неъмат ва сабр,
Барча қувончларнинг гўзал шодаси.
Ота бўлган уйда йўқдир эҳтиёж,
Барака бошида чаққон қўл Бека.
Арзийди тиллодан кийдирсангиз тож,
Яшасин ҳар уйда шундай Малика.

### БИРИНЧИ ҚОР

Тик боққандек қуёшга аранг,
Кўз қамашди жавоҳир қордан.
Табиат ҳам кийди оқ фаранг,
Тоза этиб руҳни ғубордан...

Биринчи қор, ёнасан лов-лов,
Сурат босар излар, қадамлар.
Афсус, ерга сингасан дарров,
Сингган каби «ўтган» одамлар...

### ЮЛДУЗЛАР ҚЎШИҒИ

Қалбимдан нур олиб ёқдим кечани,
Чарақлаб ёришди кўкда юлдузлар.

### БУВИЖОНЛАР

Тўйхонанинг тўрида,
Пастаккина сўрида,
Жойлашибди бувилар,
Ёшликдаги сулувлар.

Ёшликдаги сулувлар
Кимларни ром этмаган,
Гўзаллар висолига
Кимлар етиб, етмаган.

Етганлар сўзлар бийрон
Келинчаклик даврини,
Ширин хотира ичра
Ёри билан сайрини.

Саксон эмас, ўн саккиз
Ёшда улар ушбу дам,
Ёддан чиқди, шубҳасиз,
Невара, чевара ҳам.

Авжига минди суҳбат,
Шовқин-сурон бир чақа.
Меҳмонлар келди, кетди
Халал бермай «чақ-чақ»қа.

Бувилар охир чарчаб
Уйқу хумор этибди.
Кўз очиб уйғонсалар,
Тўй ҳам тарқаб кетибди.

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

**Ҳадемай мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари куни умумхалқ байрами сифатида яна бир бор нишонланади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери кўтаринки руҳда байрам қилиб келаётганимиз — ушбу қутлуғ сана, чиндан ҳам умумхалқ шодиёнаси. Чунки, Ватан тинч, осмонимиз мусаффо бўлса эл-юртда, ҳаётимизда ҳам тинчлик-осойишталик ҳукм суради. Балоғат ёшига етган фарзандларини ҳарбий хизматга жўнатаётган ота-оналарнинг кўнгли эса хотиржам бўлади. Чунки, йигитлар Ватан сарҳадларини қўриқлаш, бу ишга шай туриш билан бирга, замонавий мураккаб касбларни ўрганиб, жисмоний жиҳатдан чиниқиб, Ватанга муҳаббат, ота-онага меҳр-оқибат туйғулари янада жўш урган ҳолда хизматдан қайтмоқдалар.**

# МАҒРУРЛИК ЯРАШАР СИЙРАТИНГИЗГА...

Таҳририятимиз почтасида йил бошиданоқ Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган мактублар кўзга ташлана бошлади. Уларнинг ҳар бирида шу азиз ва муқаддас Ватанга фарзанд бўлиш ифтихори кўзга ташланади. Чунончи, Марғилон шаҳрида анча йиллардан бери таниқли шоир Исмоил Маҳмуд раҳбарлигида фаолият юритиб келаётган ёш ижодкорларнинг Жаҳон отин Увайсий номидаги тўгараги қатнашчилари йўллаган шеърлар гулдастаси билан танишар экансиз (тўгарак аъзоларининг ижодидан айрим намуналарни газетамизда аввал ҳам эълон қилганмиз), бугунги ёшлар она-Ватан олдидаги фарзандлик бурчларини нечоғли чуқур англаётганларига, қалбларида ана шу бурчни оқлаш нияти жўш ураётганига гувоҳ бўласиз. Машқларнинг ҳаммаси ҳам шеърий асар сифатида мукаммал эмасдир, аммо улардаги она-юртга содиқлик изҳори ўзининг бениҳоя самимийлиги билан ўқувчини хушнуд этади. Чунончи, ёш қаламкаш Феруза Шокирова ўз туйғуларини қуйидагича ифодалайди:

**Қалқон эрур кўкси, ким айласа қасд,**
**Улуғ замин шаҳду ўктам шонига.**
**Гард қўндирмас тунлари огоҳ бўлиб,**
**Жонин тутар она-Ватан жонига.**

Дилафрўз Ғанижонова Ватан посбонларига мурожаат қилиб:

**Муҳаббат қасрига ҳарорат берган**
**Кумушбибиларнинг қалби қўрисиз.**
**Мағрурлик ярашар сийратингизга,**
**Баҳодир, мард ўғлон — зўрлар зўрисиз.**

деб ёзса, Зулфия Эргашева она-юрт қўриқчилари сиймосида ориятли, ғурурли ўғлонларни кўради:

**Сен борсан, диллар ҳис айлагай ҳузур,**
**Посбонсан, ҳур Ватан ҳимоянгдадур.**
**Камолу кўркингга айтарлар шукур,**
**Юртнинг қатордаги норисан, ўғлон,**
**Муқаддас, ҳур юртнинг орисан, ўғлон.**

Йигитлар учун ўз уйи, маҳалласи, Ватани тинчлигини қўриқлашдан ҳам шарафли вазифа йўқ. Ватанга содиқ бўлиш сарҳадларнигина эмас, унинг моддий бойликларини, маънавий қадриятларини, улуғ аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган эзгу фазилатларни ҳам ҳимоя қилиш деганидир. Буни Саидхон Ҳафизов посбонлар номидан шундай ифодалайди:

**Токи омон экан жўш урган жонлар,**
**Яралгуси минглаб янги имконлар.**
**Кўз қирин ташласа ногоҳ ёмонлар,**
**Ёв учун кўкраги қалқонларингмиз,**
**Ўзбегим, сенинг мард ўғлонларингмиз.**

Ватан мавзуси, она-юрт ҳимояси бадиий адабиётда, хусусан, шеъриятимизда неча минг йиллардан бери бош мавзулардан бири бўлиб келади. Улуғ Алишер Навоий, Мирзо Бобур, яна қанчадан қанча қалам соҳиблари бу мавзуда ҳамон моҳиятини йўқотмаган таъсирчан асарлар битишган. Ватан билан фахрланиш, унга садоқатли фарзанд бўлиш орзуси Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирларимиз ижодининг ўзагини ташкил этади. Бинобарин, бугун Марғилонда қалам тебратаётган Сарвиноз Турдалиева, Абдиҳаёт Абдуқодиров, Иқбол Юсуф, Маҳфират Жўраева, Дилрабо Мирзаматова ва бошқаларнинг машқларида ҳам худди шу ҳолатни кўриб, дилимиз равшан тортади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан комил инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Айниқса, ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз истеъдодларини тўла намоён этишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар жиҳатдан эътиборга молик. Биргина "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳомийлигида ўтказилаётган танловларнинг ўзи турли соҳаларда янги-янги истеъдодларни кашф этмоқда. "Умид билан суқилган таёқ, бир кун берар меваю япроқ", деганларидек, бу ғамхўрликнинг "мева"сини бугуннинг ўзидаёқ кўриш мумкин. Йил якунида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловларда қатнашган номзодларнинг маълум қисми истиқлол йилларида вояга етган, дунёқараши янгича шароитда шаклланган ёшлар эканлиги фикримизга далил бўла олади. Қувонарлиси шундаки, бу ёшларнинг кўплари сайловда ғолиб чиқиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида янада фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар.

Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан янги 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши ёшлар камолоти тўғрисидаги ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Зеро, ўсиб-улғаяётган янги авлодни ҳар жиҳатдан камолга етказмай туриб, жамиятни тараққий эттириб бўлмайди.

**М. АҲМЕДОВ**

Маданий ҳаёт

Муқимий номидаги мусиқали драма театри ижодкорлари томонидан саҳнага қўйилган «Оловиддининг сеҳрли чироғи» эртагини ўқувчилар илиқ қарши олдилар.

Наталия Глубокина қаламига мансуб бу мусиқий спектакл режиссёр Гулруҳ Нажидова томонидан саҳналаштирилган. Асарнинг қўшиқ ва рақсларга бойлиги жажжи болакайларга манзур бўлмоқда.

— Авваллари ушбу эртак севги-муҳаббат рамзи сифатида талқин этилган бўлса, бу гал дўстлик туйғусига кўпроқ эътибор қаратилди, — дейди актриса Д.Иброҳимова. — Дўстлик туйғуси ҳар қандай машаққатни енга олишини ёш томошабинларимизга сингдиришга ҳаракат қилдик.

**Гулруҳ ЭРГАШЕВА**

Жаҳон ҳикоялари хазинаси

***1966 йил эди. Ўзбекистон радиосида ишлардим. Яқинда университетни битирган ёш хизматчи бўлганимдан, талабалик йилларидаги сингари мени пахта теримига юборишди. Кузнинг охири, қиш бошланиши. Совуқ. Баъзан қор учқунлаганда ҳам далага чиқиб, баъзан икки-уч кунлаб баракда бекор ҳам қолар эдик. Борган туманимиз қаер? — энди эсимда йўқ, қишлоқда уруш пайтидами, кейинми қўним топган немис хонадонлари бор эди. Улар жуда меҳнаткаш, асосан, боғдорчилик билан шуғулланар, карам, бодринг тузлашга ҳам уста эди. Шўх, беқарор давримиз, бўш кунлар айрим хонадонларга меҳмонга борардик.***

***Университетда Охун деган домла бизга чет эл, жумладан, немис адабиётидан маъруза ўқиган. Лекин келиб чиқиши швейцариялик немис ёзувчиси Ҳерман Ҳессе номига ўша, пахтага борганда, ўзимизга яқин қишлоқдаги немис хонадонида дуч келганман. Унинг титилиб кетган бир китобини кўрганман ва «савод етмагани»дан, очиғи, бу немисларнинг диний китоби бўлса керак, деб ўйлаганман.***

***Мана, энди қарасам, худди ўшанда Ҳессе Нобел мукофотига сазавор бўлганига роппа-роса йигирма йил тўлган, у 85 ёшида вафот этганига атиги тўрт йилга яқинлашган кунлар экан. Шу ўринда яна айтмоқчиман. Иккинчи жаҳон муҳорабаси биздан олисларда борганига қарамай, болаликдан бизнинг димоғимизга ҳам «порох ҳиди» ўрнашган эди. Менга тенгдош авлоднинг ёшликда немисларга нисбатан муносабати «иккиламчи» эди ва бу адабиётга муносабатимизга ҳам таъсир этган эди. Халқ бошқа, ёвуз салтанат эгалари бошқа эканлигини англаб етгунимизча йиллар ўтиб кетди.***

***Ҳерман Ҳессенинг «Демиан», «Дашт бўриси» ва хаёлий-рамзий йўналишдаги «Мунчоқ ўйини» деган романлари бор. Унинг ҳикоялари ҳам ўқувчиларга маълум ва машҳур.***

**Омон МУХТОР**



# МУЗ УСТИДАГИ ОШИҚ

Ўша йили қиш ниҳоятда қаттиқ келиб, узоқ чўзилган, шу боис биздаги жуда ҳам гўзал Шварцвалд дарёси бир неча ҳафталаб қаттиқ музлаб қолган эди. Мен ўша ғалати, ўзим ҳам ҳаддан зиёд қойил қолган туйғуни ҳамон унутолмайман. Ўшанда қаҳратон совуқнинг илк куни эди. Эрталабданоқ дарёга отландим, у шунақанги чуқур, муз эса шундай тип-тиниқ, худди юпқагина ойна янглиғ эди, унда ям-яшил сув, тошли қумлоқлар, уларга ажойиб бир тарзда сингиб кетган ғаройиб сувўтлар кўриниб турар, аҳён-аҳёнда эса бирдаярим балиқнинг қорамтир танаси кўзга чалиниб қоларди.

Ўртоқларим билан муз устида бетларимиз қизариб, қўлларимиз кўкариб, ярим кунлаб конкида яхмалак отиб юрардик. Шиддатли ва бир маромдаги ҳаракатларимиздан юракларимиз тўлиб-тошар, болалик даврининг беғам-мулоҳазасиз, ажойиб ва лаззатли онларидан куч-қувват оларди. Биз бир-бирларимиз билан кимўзарга, узоққа ва баландликка сакраш бўйича беллашар, қувлашмачоқ ўйнардик, орамизда кимки агар ҳали ҳам эски урфдаги оёққа боғланадиган конкида учаётган бўлса, улар дурустгина яхмалак отувчилар ҳисобланарди. Бироқ биттамизда, яъни фабрикантнинг ўғлида «Halifax» русумли конки бўлиб, у ип ёки тасмасиз ҳам маҳкамланаверар, уни кўз очиб юмгунча боғлаш ва ечиш мумкин эди. Ўшандан буён ўтган кўп йиллар мобайнида «Halifax» сўзи менинг рождество байрамидаги совғалар рўйхатимда сақланиб қолган бўлса-да, бироқ ўзи насиб этмаган, орадан ўн икки йил ўтгач, бир куни конкининг энг зўридан бир жуфт харид қилай деб, дўкондан «Halifax»ни сўраганимда, у ердагилар кулимсираб, «Halifax» энди эскириб, анчадан буён энг яхши конки бўлмай қолганига ишонтиришган, шунда дилим ранжиб, энг юксак орзуим ҳамда болаларча эътимодимнинг бир парчасидан мосуво бўлган эдим. Муз устида кўпинча ёлғиз ўзим учишни ёқтирар, баъзан ҳатто тун пардаси ёйилгунга қадар ҳам қолиб кетардим. Мен елдек учиб бораётиб, хоҳлаган нуқтада тўхташ ёки қайрилиб олишни машқ қилиб, ўрганиб олган, шу аснода чиройли доира ясаб, мувозанатимни сақлаган қўйи муаллақ сузардим. Кўпчилик ўртоқларим муз устидаги вақтларини қизлар кетидан югуриб, уларнинг кўнглини овлашга сарфлашарди. Менда эса қизлар деган гап йўқ эди. Бошқалар қизларга тантилик қилиб, улар атрофида ҳам ёниб, ҳам тортиниб гирдикапалак бўлаётган ёки жуфт-жуфт бўлиб қувноқ ва шўхчан учаётган пайтларида мен якка-ёлғиз сирпанишнинг эркин ҳавосидан баҳраманд бўлардим.

Қизларнинг «йўлбошчилари»га фақат раҳмим келар ёки улар устидан кулардим, холос. Чунки баъзи бир дўстларимнинг лафзларига қараганда, уларнинг ишқий саргузаштлари аслида нақадар дудмал ва шубҳали эканлигини билиб олиш қийин эмас эди.

Ўшанда қиш охирлаб қолган пайт, бир куни мактабда янгилик қулоғимга чалиниб қолди, нима эмиш, Нордкафер яқинда Эмма Майерни конки ечаётганида яна ўпиб олганмиш. Бу хабарни эшитиб, қоним қайнаб кетди. Ўпиб олганмиш! Одатда, қизлар билан юришнинг энг зўр кайф-сафоси сифатида мақталган қуруқ, бемаза суҳбатлар ҳамда журъатсиз қўл бериб кўришишларга қараганда бу, албатта, бошқа нарса эди. Ўпиб олганмиш-а! Бу олдиндан ҳис этган, журъатсиз, тунд ўзга бир оламдан келган садо бўлиб, унда аллақандай сирли, шоирона, ақл бовар қилмас бир нарса мужассам эди. У ўша — барчамиз билиб индамай юрган, олдиндан сезган ва мактабдан қувилган қизларга ишқибоз содиқ ўқувчи болаларнинг эртакнамо ишқий саргузаштларида ўз ифодасини топган чучмал, ўта мафтункор маъвога мансуб эди. Нордкафер асли гамбурглик ўн тўрт ёшли ўқувчи. Худо билади бизга қандай келиб қолган, уни ниҳоятда ҳурмат қилардим, унинг мактабдан ташқаридаги зўр обрўси кечалари менга уйқу бермасди. Эмма Майер эса шубҳасиз, Герберсаудаги энг дўндиқ ўқувчи қиз бўлиб, малларанг, мағрур, шаҳдам, эпчил ва чаққон, ёши мен билан баравар эди.

Ўша кундан бошлаб оромим йўқолган, ўзимча режа туза бошлагандим. Қиз болани ўпиш, бу — ўз-ўзидан менинг ҳозиргача мавжуд бўлган барча энг юксак орзуларимдан ҳам ошиб тушарди. Қолаверса, бундай хатти-ҳаракат беадаблик саналиб, шак-шубҳасиз, мактаб ҳақидаги қонун томонидан ҳам таъқиқланган. Яхмалак устида қизларга илтифот қилиб, марҳамат кўрсатиш бунинг учун бирдан-бир қулай имконият эканлиги менга тез орада аён бўлди. Энг аввало, ташқи кўринишимни иложи борича кўнгил овлашга мойил, хушомадга қодир этишга ҳаракат қилдим. Соч тарашга вақт ажратиб, кийимларимнинг тозалигига алоҳида эътибор бера бошладим, мўйна телпагимни одоб юзасидан пешонамга бир оз тушириб киядиган бўлдим ва сингилларимдан пуштиранг ипак бўйинбоғини ялиниб-ёлвориб сўраб олдим. Муз устида учаётган пайтларимда йўл-йўлакай мўлжалимга тўғри келган қизларга хушмуомалалик билан салом бера бошладим. Бундай муомала аввалига уларни ажаблантирган бўлса-да, айни пайтда хайрихоҳлик уйғотаётгани ҳам сезилиб турарди.

Илк танишув камина учун хийла қийин бўлди, чунки мен ҳали ҳаётимда биронта қизни «таклиф қилиб» кўрмагандим. Аввалига дўстларимнинг мана шунақанги жиддий маросимлар чоғида ўзларини қандай тутишларини сездирмай кузатишга уриниб кўрдим. Уларнинг баъзилари фақат мулозамат юзасидан таъзим қилиб қўл узатсалар, бошқалари тутилиб қолиб, алланималарни ғўлдирашар, кўпчилиги эса қуйидаги ажойиб ибoradан фойдаланишарди: «Марҳаматингизни дариғ тутманг?». Мана шу жумла менга жуда ёқиб қолди, уйга келиб хонамдаги печка олдида куллуқ қилганимча, ушбу тантанавор сўзларни қандай айтишни машқ қила бошладим.

Илк қадамни қўядиган кун ҳам етиб келди. Куни кечаёқ ишга киришишни ўйлаган, бироқ иккиланиб, журъат қилолмасдан қайтиб келгандим. Бугун эса ўзим шу қадар кутган ва ҳайиққан ишни албатта амалга ошираман, деб собитқадам бўлиб турдим. Юрагим пўкиллаб, худди жиноятчи каби руҳим тушиб, маъюс бир алпозда яхмалакка бордим. Ишонсангиз, конки қадаётган қўлларим «қалт-қалт» титрарди. Сўнгра доирани кенг олдим-да, афт-ангоримда одатдаги хотиржамлик ва табиийликни сақлашга ҳаракат қилиб, кўпчиликка қўшилиб кетдим. Бутун бошли яхмалакни катта тезлик билан икки марта айланиб чиқдим, кескин ҳаракат ёки совуқ ҳаводанми, кайфиятим кўтарилди.

Тўсатдан, шундоқ кўприк остида аллакимга бор кучим билан урилиб, ён тарафга сирғаниб кетдим. Қарасам, муз устида гўзал Эмма ўтирар, оғриқнинг зўридан аранг тишини тишига босиб, шу қўйи менга таънаомуз қараб турарди. Кўз олдимда дунё гир-гир айланиб кетди.

— Мени турғизиб қўйсаларинг-чи! — қичқирди у дугоналарига. Мен хижолатдан қип-қизариб кетгандим, телпагимни аста ечдим-да, унинг ёнига чўк тушиб, ўрнидан туришига ёрдамлашдим.

Бизлар энди икковимиз ҳам нима қилишни билмасдан, журъатсиз бир тарзда рўбарў турар, шу аснода бир-биримизга нима дейишни ҳам билмасдик. Унинг эгнидаги мўйна пўстин, чиройли чеҳраси ҳамда сочларидаги қандайдир ёт ифордан бошим айланди. Қиздан узр сўраш эсимга тушиб, бироқ бунга журъат қилолмай, телпагимни ҳамон муштимда тутиб турардим. Шунда бехосдан кўз ўнгим қоронғулашгандек бўлди, ғайриихтиёрий тарзда унга чуқур таъзим қилиб, ғўлдирадим: «Марҳаматингизни дариғ тутманг?».

Қиз ҳеч нарса демасдан, қўлларимни бармоқлари орасига олди, уларнинг ҳароратини қўлқопдан ҳам ҳис этиб турардим. Сўнг бирга уча бошладик. Ўзимни шу дамда худди ғаройиб тушдагидек ҳис қилардим. Бахту иқбол, шарм-ҳаё, самимият, қувонч ва хижолатлик туйғусидан нафасим бўғилай дерди.

Чорак соат мўл биз бирга айландик. Ниҳоят, тўхташ жойига етганимизда, у нозик қўлларини аста бўшатди-да: «Катта раҳмат», деди ва ўзи ёлғиз учиб кетди. Мен эса анчадан сўнг мўйна қалпоқни ечдим ва турган еримда узоқ қолиб кетдим. Шундан кейингина ўтган бутун вақт давомида унинг бир оғиз ҳам гапирмаганини эсладим.

Музлар эриб, мен ўз тажрибамни бошқа такрорлай олмадим. Бу менинг илк ишқий саргузаштим эди. Бироқ орзуим амалга ошиб, қизнинг қирмизи лабларидан илк бўса олгунимга қадар орадан анча йиллар ўтди.

**Олмон тилидан**
**Мирзаали АКБАРОВ**
**таржимаси**

